



# O'ZBEKISTON OVOZI

SHU AZIZ  
VATAN —  
BARHAMIZNIKI!

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

• 2010-yil • 20-iyul • Seshanba • 84 (31.204) • (Tel. Faks) 233-12-56 • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan  
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz www.uzbekistonovozi.uz

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 17 июль куни Оқсаройда АҚШ Давлат котибининг биринчи ўринбосари Жеймс Стайнбергни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташири билан кутлаб, шериклик ва ўзаро англашув руҳига мос икки томонлама муносабатларнинг бугунги аҳоли ва ижобий динамикасига эътибор қаратди.

Бугунги кунда сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа кўплаб соҳалар Ўзбекистон — АҚШ муносабатларининг устувор йўналишлари этиб белгиланган. Яқинда Вашингтон шаҳрида мамлакатимиз сармоявий имкониятларидан, узоқ муддатли бизнес-лойиҳаларни биргаликда ишлаб чиқишдан, шунингдек, юртимизда муваффақиятли амалга оширилётган «Навой» эркин индустриал-иқтисодий зонасини ривожлантиришдан манфаатдор бўлган АҚШнинг етакчи ишбилармон доиралари иштирокида ўтказилган давра суҳбати натижалари ҳам буни яна бир бор тасдиқлади.

Икки давлат ҳам Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, трансмилий хавф-хатарлар ва таҳдидларга қарши курашиш бўйича биргаликдаги чора-тадбирларни ишлаб чиқиш масалаларида ҳамкорлик қилиб келмоқда. Меҳмоннинг фикрича, бу борада Афғонистондаги вазиятни ноҳарбий воситалар билан барқарорлаштириш, шунингдек, қўшни мамлакатни ижтимоий-иқтисодий тиклашга доир Ўзбекистон Республикаси ташаббуслари алоҳида аҳамият касб этади.

Афғонистонга юртимиз ҳудуди орқали белгиланган ҳажмда ноҳарбий ва инсонпарварлик юқлари етказиб берилмоқда. Ўзбекистон, шунингдек, жанубий қўшни мамлакатни электр энергияси, қурилиш материаллари ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда амалий ёрдам кўрсатмоқда, унинг транспорт инфратузилмасини барпо этишда қатнашаётган.

Оқсаройдаги учрашувда Жеймс Стайнберг Президент Ислон Каримовга қабул учун самимий миннатдорлик изҳор этиб, АҚШ келгусида ҳам Ўзбекистон Республикаси билан ўзаро фойдали ҳамкорликни мустахкамлаш ва кенгайтиришга тайёр эканини билдирди. Юқори мартабали меҳмон давлатимизнинг минтақада тинчликни сақлаш ва мустахкамлашдаги конструктив сиёсатининг, айниқса, яқинда Қирғизистонда юз берган воқеалар муносабати билан ушбу республика жанубидан келган хабарланганларга ва қочқинларга тезкор тарзда кенг қўламли, ҳар томонлама ёрдам кўрсатишдаги Ўзбекистон раҳбариятининг оқилона ва чуқур ўйланган ёндашувининг аҳамиятини яна бир бор алоҳида таъкидлади.

Суҳбат чоғида икки томонлама муносабатларни ривожлантириш истиқболлари, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашиди.

(ЎзА)



Эмилролла НОРМУРДОВ ошган сурат.

## Юрт эртаси, ёруғ келажаги

бўлган йигит-қизлар сиёсий иқтидорларини намойиш этишди

### ЎзХДПда «Ёш сиёсатчи — 2010»

■ Ҳар қандай мамлакатнинг истиқболига унинг ёшларини кўриб, баҳо бериш мумкин. Ҳар жиҳатдан баркамол авлодни тарбиялаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишига айланганининг асл моҳияти шунда. ЎзХДП Дастурида ҳам бу борада ўзига хос гоғлар илгари сурилган. Партиянинг «Истиқбол» ёшлар қаноти томонидан ўтказилаётган ёш сиёсатчи танлови айнан шу вазибаларни амалга оширишга қаратилган.

Танловнинг Тошкент вилоят босқичи Паркент тумани маданият уйида бўлиб ўтди. Унда вилоятнинг шаҳар ва туманлари гоғлилари куч синашди.

Дастлаб С.Азимов номидаги «Физика-қуёш» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси материалшунослик институти фаолияти билан танишув бўлди. Шундан сўнг танлов бошланди.


Партиянинг ёш фаоллари

сиёсий ва ҳуқуқий билимлари савол-жавоблар асосида имтиҳон қилинди. Бунда, биринчи навбатда, юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар, унда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг иштироки, давлатчилигимиз тарихи, мамлакатимизда демократик жараёнларнинг боришига алоҳида эътибор қаратилди.

→2

Танкид бирон-бир баҳона билан куруқ эътироз билдиришга айланиб қолмаслиги керак.

→2



Сайловчи — сержак, депутатлар масъул, истеъмолчи норози таъминотчининг эса эътирозлари бор...

→2

Ўзбекистон — Миср:

МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ АЛОҚАЛАР

→4

Аниқ мақсадларга йўналтирилган чора-тадбирлар кўрилиши натижасида

2010 йилнинг биринчи ярим йиллигида

509 МИНГтадан ортиқ иш ўрни, шу жумладан, қишлоқ жойларда

350 МИНГдан ортиқ иш ўрни ташкил этиш таъминланди.

ОБ-ҲАВО 20-21.07.2010

	БУГУН	ЭРТАГА
Тошкент	☀️ 37°	☀️ 38°
Самарқанд	☀️ 38°	☀️ 39°
Нукус	☀️ 35°	☀️ 36°
Қарши	☀️ 40°	☀️ 41°
Урганч	☀️ 35°	☀️ 37°
Навой	☀️ 38°	☀️ 39°
Фарғона	☀️ 37°	☀️ 38°
Бухоро	☀️ 39°	☀️ 40°
Андижон	☀️ 37°	☀️ 38°
Наманган	☀️ 37°	☀️ 38°
Термиз	☀️ 42°	☀️ 42°
Жиззах	☀️ 36°	☀️ 37°
Сирдарё	☀️ 36°	☀️ 38°
Тошкент вил.	☀️ 36°	☀️ 38°

3-бет

## Биздан озод ва обод Ватан қолсин

### Истиқлол имкониятлари

■ Президентимиз 2009 йил 2 июлда Наманган сафаридан сўнг вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини юксалтирадиган, Наманган шаҳрини ободлаштириш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантирадиган тарихий ҳужжатларга имзо чеккан эди.

Мамлакатимиз раҳбарининг 2009 йил 2 июлда Наманган вилоятига сафари чоғида вилоят фаоллари, қишлоқ одамлари, олимлар билан ўтказган самимий учрашувлари наманганликларнинг кеча-қандайдиган ёдиди. Юзма-юз мулоқот-

лар жараёнида Наманганнинг ўзига хос табиий, географик иқлимга мос келадиган ишлаб чиқаришни ривожлантириш, мавjud саннат корхоналарини модернизация қилиш ҳисобида иқтисодий қувватни

кескин ошириш, янги иш ўринлари барпо этиш, айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш бўйича гоғат ҳаётий йўл-йўриқ ва тавсиялар берилган эди.



## «А-320» — Ўзбекистонда

■ «Ўзбекистон ҳаво йўллари» 19 июлдан бошлаб «А-320» янги самолётларида парвозларни амалга оширишга киришди.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиапаркини энг замонавий ҳаво кемалари билан янгиллаш давом этмоқда. Чунончи, ўтган ҳафта охирида «Тошкент» халқаро аэропортига «Airbus» консорциуми билан имзоланган шартномага мувофиқ ўрта масофага қатновчи «А-320» самолётларидан дастлабки келиб қўнди. Айтиш керакки, Миллий авиакомпаниямиз билан «Airbus» ўртасидаги ҳамкорлик бундан ўн етти йил муқаддам бошланган. Ушунда узоқ масофага қатновчи биринчи «А-310» ҳаво кемаси олиниши билан Шарқда ишлаб чиқарилган техникаларни Фарбнинг тежамли,

ишончли ва қулай самолётлари билан алмаштириш бўйича дастурни амалга оширишга киришилган. Кейинги беш йил ичида яна иккита шундай ҳаво кемаси олинди. Эндиликда «Ўзбекистон ҳаво йўллари»нинг деярли барча қатновлари «А-310», «Боинг-757, 767», «А-320» ва ўзимизда ишлаб чиқарилган «Ил-114-100» кемаларида амалга оширилмоқда.

Миллий авиакомпаниямизнинг ҳаво кемалари паркени унификация қилиш дастурини амалга ошириш доирасида ўрта масофага қатновчи «А-320» самолётлари бежиз танланмаган. Зеро, бундай самолётлар беш минг ки-



лометрча бўлган йўналишлардаги қатновларни бажариш учун энг мақбул ҳаво кемаси ҳисобланади. Масалан, бу самолётнинг ёқилги сарфи шу сифмдаги «Ту-154» самолётига қараганда деярли икки ярим баробарига кам. Боз устига нисбатан энгиллиги боис, йўловчилар учун иқтисодий жиҳатдан ҳам фойдали.

Янги самолётлар минтақалардаги ва республика ичидаги йўналишларда қатновчи эскирган ва жорий йилнинг охирига қадар фойдаланишдан чиқариладиган

«Ту-154» ва «Ан-24» самолётларининг ўрнини тўлиқ эгаллайди. Дарвоқе, шу йилнинг охирига қадар «А-320» русумидаги яна бешта самолёт олинади. Келаси йилда эса яна тўртта ҳаво кемаси Миллий авиакомпаниямизга келтирилади.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси 19 июлда янги олинган «А-320» самолётини Боку ва Урганчга дастлабки парвозларни амалга оширди.

Алишер РЎЗИЕВ,  
«Ўзбекистон овози» мухбири.

## Демократик янгилинишлар

### фаолликни талаб қилади

Фарғона вилоят партия кенгашида «Кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган демократик янгилинишларда ХДП ташкилотларининг фаол иштирокини таъминлаш» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

— Кучли фуқаролик жамияти шаклланиши кўп жиҳатдан халқимизнинг ижтимоий-сиёсий саводхонлиги, ҳуқуқий онги фаоллигига боғлиқ, — деди вилоят партия кенгаши масъул ходими Турсунали Солиев. — Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтишда қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғини фаолиятининг самардорлиги ҳамда депутатлар фаолигини янада кучайтириш гоғат муҳим.

Давра суҳбатида сиёсий-фуқаролик маърифати тизимидagi ўқувларни барча бошланғич партия ташкилотларида ривожлантириш юксак самара бериши таъкидланди.

ЎзХДП Фарғона вилоят кенгаши матбуот хизмати

### ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKINING 2010 YIL 20 IYULDAN BOShLAB HORIJIIY VALYUTALARNING SŪMGA NISBATAN BELGILAGAN QIYMATI

1 Австралия доллари	1389,49	1 Миср фунти	281,43	1 СДР	2425,23	10 Жанубий Корея вони	13,17
1 Англия фунт стерлинги	2454,21	1 Канада доллари	1519,15	1 Туркия лираси	1037,88	10 Япония иенаси	184,93
1 БАА дирхами	436,44	1 Хитой юани	236,45	1 Швейцария франки	1530,76	1 Россия рубли	52,62
1 АҚШ доллари	1603,01	1 Малайзия рингити	497,13	1 Евро	2036,12	1 Украина гривнаси	202,89

\* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маъмур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

O'zbekiston havo yo'llari

TOSHKENT  
XALQARO  
AEROPORTI

Дипломат лицензиясини



Сўз — ЎзХДП фракцияси депутатларига ■

Хуқуқнинг амалиётда қўлланилишини ўрганиш, амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш заруратини аниқлашда Ўзбекистон ХДПнинг парламентдаги фракцияси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳларининг ўзаро ҳамкорлигини ташкил этиш масаласи кўпчилик учун янгилик бўлди.



# Ҳамкорликдаги фаолият амалий самара беради


Ушбу ҳамкорлик самардорлигини таъминлашга хизмат қиладиган айрим тақдирлар билдирмоқчиман. Аввало, Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракциясининг 2010-2012 йилларга мўлжалланган фаолиятининг асосий йўналишлари билан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳларининг айнан шу йилларга мўлжалланган фаолиятининг асосий йўналишлари мувофиқлаштирилиши керак. Албатта, бунда ҳудудий манфаатлар инобатга олиниши ва маҳаллий шароитлардан келиб чиқиб ёндашиш мақсадга мувофиқ. Қонунчилик палатасининг регламентига мувофиқ, ноябрь, февраль ва май ойларининг охирига ҳафтада сайлов округларида депутатларнинг сайловчилар билан учрашувлари кўзда тутилган. Учрашувлар давомида Қонунчилик палатаси томонидан зарур деб топишган муайян бир қонун ижроси ўрганилади. Бунда Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси депутати билан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳи ҳамкорликда иш олиб бора, масалага янада чуқурроқ ёндашган бўламиз. Бунинг учун ХДП фракцияси ва маҳаллий Кенгашдаги депутатлик гуруҳининг келишув асосида қонун ижросини ўрганиш мақсадида тегишли ҳудуд (сайлов округи)да ишчи гуруҳи ташкил этилса, айни мuddао бўлади. Ўзбекистон ХДПнинг Қонунчилик палатасидаги фракцияси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги депутат-

лик гуруҳларининг ҳамкорлигини тўғри йўлга қўйиш учун тегишли ҳудудда хуқуқнинг амалиётда қўлланилишини ўрганиш, амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш масаласига бағишланган конференция, семинар ва давра суҳбатлари ташкил этиш мумкин. Партияимиз электроти манфаатларига тўғридан-тўғри дахлдор бўлган қонунларнинг амалиётда қўлланилиши, унинг нормаларини янада такомиллаштириш юзасидан жамоатчилик фикрини ўрганиш мақсадида нодавлат нотижорат ташкилотлар, фуқаролик жамиятини ўрганиш институти бўлимлари билан ҳам яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш зарур, деб ўйлаймиз. Уларнинг ҳамкорлигида хуқуқнинг амалиётда қўлланилишини ўрганиш, амалдаги қонунчиликни такомиллаштиришга оид сўровномалар ўтказишни режалаштириш керак. ЎзХДП фракциясининг Қонунчилик палатаси мажлисида давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг мансабдор шахсларига уларнинг ваколат доирасига қирадиган масалалар юзасидан асосли тушунириш бериш ёки ўз нуқтаи назарини баён қилиш талаби билан мурожаат этишда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳларининг тақдирлари ҳам инобатга олинса ва бундай амалиёт келгусида мунтазам равишда татбиқ этилса, фаолиятимиз янада самарали бўлиши шубҳасиз. **Абдуманноб РАХИМОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг депутати, Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси.**

# Сайловчи — сергак, депутатлар масъул, истеъмолчи норози таъминотчининг эса эътирозлари бор...

## ЎзХДП: электрот манфаати

■ Хоразм вилоят партия кенгашларидаги Жамоатчилик қабулхоналарига тушаётган мурожаатларда ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммолар, жумладан, коммунал хизматларнинг ўз вақтида бажарилмаслиги тўғрисида шикоятлар учраб туради. Яқинда партияимиз вилоят кенгаши ижроия қўмитаси ҳамда халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳининг кенгайтирилган қўшма йиғилиши бўлиб, унда электр энергияси таъминотида айрим оғохлантиришисиз узилишлар фуқароларнинг эътирозларига сабаб бўлаётгани ҳамда шу билан боғлиқ масалаларга эътибор қаратилди.



— ЎзХДПнинг халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи 2008 йили ҳам электр таъминотидаги узилишлар борасида депутатлик назорати ўтказган эди, — дейди Хоразм вилоят партия кенгаши раиси Райимберган Сабуров. — Лекин шундан сўнг деярли жиддий ўзгариш бўлмади. Шу боис яна бу масалани кўтариб чиқишга тўғри келди. Мамлакатимиз раҳбари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма йиғилишида парламентимиз ва маҳаллий вакиллик органлари — Кенгашлар олдига турган гоат муҳим вазифа — бу қабул қилинган қонунларнинг ижро этувчи ҳокимият, яъни ҳукумат томонидан марказда, ҳокимликлар томонидан эса жойларда қандай бажарилаётганини устидан қатъий парламент назорати, депутатлик назоратини ўрнатилган иборат эканини алоҳида таъкидлаган эди. Шундан келиб чиқиб, вилоят партия кенгаши ҳамда депутатлик гуруҳлари электрот манфаати билан бевоқиф боғлиқ масалалар юзасидан қўриқдагидек доимий мониторинг олиб бора-

моқда. Тегишли масалалар юзасидан масъул идоралар раҳбарларининг ахборотларини тинглаб, уни муҳокама қилишга алоҳида эътибор қаратапти. «Хоразм электр тармоқлари» ОАЖ раҳбари Раҳимберган Қазақовнинг таъкидлашича, вилоятда истеъмол қилинган электр энергияси учун қарздорлик кўпайгани ва электр энергияси белгиланган миқдордан ортқча сарф қилинаётгани электр энергияси таъминотидаги узилишларга сабаб бўлган. Айни пайтда муаммони бар-тароф этиш учун 18 банддан иборат тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда. **Вера ПАК, Хивадаги 20-Мехрибонлик уйи директори, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати, Ўзбекистон Қўрақалпоғистон Республикаси аъзоси.** — Ҳамма муаммо электр тармоқлари идораларида ҳисоб-китобнинг тўғри юририлмаслигидан келиб чиқмоқда. Қиримча, масалани ҳал қилиш учун электр энергияси сарфи ҳисоб-китобини яхшилаш, барча хонадонлардаги электр ҳисоб-китобларнинг тўғри ишлашини таъминлаш, фақат қарздорлик йўл қўйган

мижознигина электр энергияси тизимидан узиб қўйиш керак. Битта қарздор хонадон ёки идорани деб бошқа истеъмолчилар азият чекмасин. **Темур ДАВЛАТОВ, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш вилоят ҳудудий бошқармаси масъул ходими:** — Жорий йилнинг биринчи чорагида ҳудудий бошқармадан электр энергияси таъминоти билан боғлиқ тўртта ариза тушди. Янгибозор туманидаги бир хонадон эгаси ёзишча, электр ҳисоблагичи ишлаб турган бўлса-да, уни ишламайди деб 38 минг сўм олиб, ўрнига янчисини ўрнатиб беришган. Ҳудудий бошқарма аралашувидан кейин истеъмолчининг пули қайтариб берилди. **Абдулла МАТЧОНОВ, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти вилоят ҳудудий бўлими раиси:** — Кейинги вақтда электр энергияси таъминотидаги узилишлар борасида 28 та ариза келиб тушди. Булар асосан ҳисоб-китобдаги чалқашликлар, нотўғри ҳисоблашлар билан боғлиқ

килотлар ҳисобидан тўлаш масаласини ҳал қилдик. Жойларда ана шундай ишларни изчил олиб бора, истеъмолчилар ўртасида мунтазам тушунириш ишларини йўлга қўйсак, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бундан ташқари, электр энергияси таъминоти масалалари юзасидан жамоатчилик назоратини кучайтириш зарур. **Тадбирда депутатлик гуруҳи бу масалага яна қайтиши, муҳокамадан амалий натижаларга ўтиш зарурлиги таъкидланди. Депутатлик гуруҳлари жойларда доимий мониторинг йўлга қўйиши, зарур бўлса, масалани маҳаллий Кенгашлар сессиялари муҳокамасига киритиш ташаббуси билан чикиш юзасидан тавсиялар қабул қилди. Рўзимбой ҲАСАН, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

# ТАНҚИД САВИАСИ соғлом рақобат моҳиятини белгилайди

«XXI ASR» газетасининг 24-июнь сонида «Юксак ишончга лойиқ бўлиш масъулияти» сарлавҳали мақола эълон қилинган эди. Унда бир гуруҳ ёшлар ЎзХДПнинг «Истикбол» ёшлар қаноти фаолиятдан қониқиб ҳосил қилиш қийинлиги ҳақида мулоҳазалар билдиришган. Жумладан, мақолада шундай дейилади: «2008 йилдан бери партия (ЎзХДП) саяё-ҳаракати билан «Ёш сийасатчи» кўриктанловни ўтказиб келинаёпти. Ушбу тадбирдан кўзланган асосий мақсад нима? Жойларда у қандай акс-садо бераёпти? Партия нашри — «Ўзбекистон овози»да бу хусусда кенгрок маълумотлар берилса, мақсадга мувофиқ бўларди».

«Сийсий саводхонлик, айниқса, ёшлар учун муҳим»лиги ҳақида долзарб фикр билдираётган талабалар партиялар тўғрисида кенгрок тушунчага эга бўлиши истаса, битта партия нашрига суъниб қолмасдан, бошқа партиялар нашрлари билан ҳам яқиндан танишиб бориши лозим, деб ўйлаймиз. Акс ҳолда, уларнинг сийсий партиялар мақсади, маслаги ва фаолияти ҳақидаги билими бир ёқлама бўлиб қолади.

Аввало, шуни айтмоқчимизки, мазкур танлов бошқа сийсий партияга хайрихоҳ ёшларда ҳам қизиқтириш уйғотгани бизни мамнуун этди. Бу — танлов ижтимоий ҳаётда эътибор топганини кўрсатади. ЎзЛиДеП аъзоларининг саволларига келсак, айтиш керакки, жавобни газетамиз саҳифаларидан бемалол топишлари мумкин. **«Ўзбекистон овози» 2010 йил 11 май сони:** «Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари Бухоро, Жиззах вилоят кенгашларининг 1 нафардан депутати айнан «Истикбол» фаолларидир. Жиззах, Бухоро, Сурхондарё, Тошкент вилоятларида 4 нафардан, Наманган, Навоий вилоятларида 2 нафардан, Самарқанд вилоятида 13 нафар 30 ёшгача бўлган сафдошларимиз туман Кенгашлари, Бухоро, Наманган вилоятларида 2 нафардан, Фаргона вилоятида 3 нафар, Қашқадарё, Хоразм вилоятларида 1 нафардан «Истикбол» аъзолари шахар Кенгашлари депутатлари бўлдилар...» Игирма биринчи аср ҳар биримиздан ижтимоий фаолилик талаб этмоқда. Аниқ, қисқа ва лўнда баён қилинган фактлар ма-




саланинг моҳиятини кўрсатиб турибди. Ижтимоий-сийсий соҳада баҳс қилишдан аввал уни етарлича ўрганиш керак албатта. Акс ҳолда, хижолат бўлиб қолиш ҳеч гап эмас. **О'зЛиДеПга эргашаётган ўша ёшларга таъна қилмаган ҳолда, газетамиздан куйдаги кўчирма-ни келтирамиз: «...ёшларнинг сийсий билимини ошириш, ёш сийсатчи ва депутатликка номзодларни кашф этиш МАҚСАДИДА «Ёш сийсатчи» кўриктанловни ўтказиб келинмоқда». Савол туғилади: мақсад нега қисқа баён қилинган? Жавоб: бугунги кунда узундан-узун, баъландарвоз жумлалар билан газета саҳифаларини тўлдириб, одамларнинг, айниқса, ёшларнинг вақтини олиш шартми? Ҳаммаси кундай равшан-ку! «Юксак ишончга лойиқ бўлиш масъулияти» мақоласи эълон қилинишидан бир ой олдин, 2010 йил май ойида «Ўзбекистон овози»да «Истикбол» ёшлар қаноти фаолияти билан боғлиқ «кенгрок маълумотлар» берилган. Газетанинг 1 май сонида «Билими, ғайратли, навқирон...», 13 май сонида «Ёш фаоллар Қонунчилик палатасида» сарлавҳали мақолалар шулар жумласидандир.**

ди. Фикрлаш қобилияти ўсишига ҳам таъсир этмайди. **Шаҳноза ТАНГРИЕВА, ЎзХДП Жиззах вилоят кенгаши «Истикбол» ёшлар қаноти раиси:** — Вилоятимизда 14306 нафар партия аъзосининг 3559 нафарини ёшлар ташкил этади. Биз «улар ҳисобига ўз тарафдорларимиз сафини кенгайтириш»ни эмас, балки ёшларнинг ижтимоий-сийсий билимини оширишни, ҳаётда фаол бўлишига эришишни кўзда тутганмиз. **Гулмира УЗОКБЕРГАНОВА, ЎзХДП Қорақалпоғистон Республикаси «Истикбол» ёшлар қаноти бошқаруви раиси:** — Бирон-бир партия ҳақида фикр билдираётган одам ўз фикри билан ўша партия фаолияти ҳақидаги билими қай даражада эканини намойиш этади. Фикр ҳоли ва амалий бўлса, ижобий самара беради. Албатта, ҳар қандай саволга, ҳеч бўлмаса, у яна такрор берилмаслиги учун қаноатларни жаов бериш керак. «ЎзХДПда ёш сийсатчи — 2009» танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичида 1000 нафардан ортқ ёшлар иштирок этди. Демак, танлов маълум маънода ёшларни жонлантиришга хизмат қилди. Сўзимиз хулосасида айтмоқчимиз: танқид бирон-бир баҳона билан қуруқ эътироз билдиришга айлиб қолмаслиги керак. Ҳақиқат бахсларда туғилади. Бахслар эса жиддий ва асосли бўлмоғи, янгидан-янги фикр туғдирмоғи лозим. Мухтасар айтганда, изланишларга бой, мулоҳазали ҳақиқат шунчаки жўн бахсларда эмас, балки салоҳиятли мунозараларда туғилади. Агар бу баҳс ва мунозаралар минг-минглаб ёшлар етуқлигига, уларнинг ижтимоий-сийсий фаоллигига, энг муҳими, жамият равнақида хизмат қилса, бахсларимиздан туғиладиган ҳақиқат олдидаги масъулигимиз янада ортади. Зеро, рақобат рақобат учун эмас, рақобат тараққиёт ва салоҳият учун хизмат қилиши зарур.

Юрт эртаси, ёруз келажаги бўлган йигит-қизлар сийсий иқтидорларини намойиш этишиди **Нозима ТУРСУНБЕКОВА, иккинчи ўрин соҳиб:** — Танловга тайёргорлик кўриш жараёнида жуда кўп нарсаларни ўргандим. Қонунлар, ҳуқуқий ҳужжатлар, партияимиз Дастури ва Устави билан яна бир бор танишиб чикдим. Қанча кўп ўқисанг, шунча кам билишингни ҳис қиларкансан, киши. Бу борадаги билимларини мунтазам такомиллаштириб боришим кераклигини англадим. **Алишер ҚАНДОЛТОВ, «Истикбол» ёшлар қанотининг Тошкент вилоят бўлими етакчиси:** — Партияимиз Дастурида ёшларнинг ижтимоий-сийсий фаоллигини ошириш вазифаси аниқ белгиланган. Шундан келиб чиқиб, ёшлар сийсатини амалга оширишда иштирок этиш, уларнинг ҳуқуқий, сийсий-ижтимоий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш, фуқаролик жамиятини шакллантиришга кўмаклашиш бизнинг асосий вазифамиздир. **Маъмура ЭРГАШЕВА, «Истикбол» ёшлар қанотининг Охангарон шахар бўлими етакчиси:** — Ўтган йилги танловнинг мазкур босқичида иккинчи ўрин соҳиб бўлгандим. Бу йилги танлов қатнашчилари ўзларининг пухта тайёргорликлари, сийсий билимлари, кенг дунёқараш билан ажралиб турди. Иштирокчилар ҳар бир шартда ўз имкониятларини тўла намойиш этишди. Бу танлов мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзгаришларга дахлдорлик ҳиссини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этиши билан қимматлидир. **Файрат МАМАЖОНОВ, «Истикбол» ёшлар қанотининг Марказий бошқаруви раиси:** — Иштирокчиларнинг билими, иқтидори, интилишини кўриб қувондим. Аммо танловда Зангиота, Бекобод, Ўртачирчик туман «қанотлари иштирок этмапти. Демак, улар фаолиятдаги сустшликни бар-тароф этиш, бу ҳудудларда ёшлар ичига чуқурроқ кириб бориш, партия аъзоларини ташаббускорликка ундаш зарур. **Гулруҳ ОДАШБЕКОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

# Юрт эртаси, ёруз келажаги

«Депутатликка номзод» шартда иштирокчилар ўз сайловди дастурлари билан таништиришди. Конституцияимиз, Олий Мажлис, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ҳақидаги қонунларни пухта билишларини намойиш этишди. Сайловди платформаларда минтақанинг ижтимоий муаммолари қанчалик камраб олингани, нотиклик санъати ҳисобга олинди. Танловнинг тўртинчи шарт саҳна кўриниши эди. Унда ёш фаоллар ташкилотчилик қобилиятини кўрсатиб, партияга қабул қилиш жараёни, Жамоатчилик қабулхонаси фаолияти, тарғибот-ташвиқот ишлари вақтида учрайдиган турли ҳаётий мисолларни кўрсатдилар. Партияимиз Дастурида белгиланган ижтимоий ҳимояга муҳтож кўп болали оилалар, ногиронлар, нафақахўрлар, ёш оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш юзасидан ўз тажрибалари ва тақдирларини саҳна воситасида ифода этдилар. Қизгин мунозара ва тортишувлардан сўнг ҳайъат Паркент туманидан «Истикбол» ёшлар қаноти фаоли Хайрулла Илҳомовни биринчи ўринга лойиқ, деб топди ва у кейинги босқичга йўланма олди. Охангарон туманидан Нозима Турсунбекова иккинчи, Ангрэн шаҳридан Мафтуна Каюмова ва Бекобод шаҳридан Раҳмон Раҳмонов учинчи ўринга муносиб кўрилди. Фолиблар, иштирокчилар ва танлов ташкилотчиларига ЎзХДП Тошкент вилоят кенгашининг Фахрий ёрлик ҳамда эсдалик совгалари топширилди.









# Ёшларимиз Осиё биринчилигида

**Спорт** ■ Пекинда шохмот буйича болалар, ўсмирлар ва ёшлар ўртасида навбатдаги Осиё биринчилиги ўтказилди. Унда Владимир Егин бош мураббийлигидаги Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари ҳам муносиб иштирок этишди.

Айниқса, ўз ёш гуруҳида ишончли дона сурган Нодирбек Ёқуббоев (8 ёш) ҳамда Темур Игонин (10 ёш) мутахассисларда илқ таассурот қолдиришди. Мусобақа якунида бу умидли шохмотчиларимиз бронза медаллари билан тақдирландилар.

Яна икки вақилимиз Олег Артёмко (14 ёш) ва Сарвиноз Курбанова (16 ёш) эса биринчилик жадвалининг бешинчи поғонасидан жой олишди.

Дилноза МУҲАММАДОВА



Суратда: умидли шохмотчи Темур Игонин.

# Берилмаган чек ва молиявий жарима

## ёки айрим тадбиркорларнинг қонунга зид ишлари ҳақида

**Қарор ва ижро** ■ Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 августдаги «Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси юридик ва жисмоний шахсларнинг савдо қоидаларига сўзсиз риоя этишини, товарларни нақд пулга улгуржи сотишга йўл қўймаслик, назорат-касса машиналари мавжудлигига, нақд пул маблағларининг ўз вақтида инкассация қилинишига алоҳида эътибор қаратишни талаб қилади.

до дўконда ўтказилган қисқа муддатли текширишда дўкон сотувчиси Инобат Курбанова харидорга 7800 сўмга назорат касса машинаси чеки бермагани ҳамда текшириш давомида хусусий корхона томонидан 1 млн. 200 минг сўм нақд пул назорат-касса машинасидан ўтказилмасдан банк бўлимига топширилгани учун корхонага нисбатан 1130400 сўм миқдорда молиявий жарима қўлланиб, тўлиғича бюджетга ундириб олинди. Сарийосиё туманидаги «Давр ИК» хусусий фирмасига қарашли АЁКШда ўтказилган қисқа муддатли текширишда аниқланишича, сотувчи харидорга сотилган 10 литр бензин учун назорат-касса машинаси чеки бермаган. Текширув давомида 8 млн. 216 минг сўм савдо пули назорат-касса машинасидан ўтказилмасдан банкдаги ҳисоб рақамига топширилганлиги аниқланди. Ушбу ҳолат юзасидан хусусий фирма раҳбарига нисбатан жиноий иш қўзғатилди. Корхонага нисбатан молиявий жарима қўлланилди.



Мазкур қарор ижроси юзасидан кенг қўламли ишлар амалга оширилгани ҳамда унинг мазмун-моҳияти тадбиркорлик субъектлари ва аҳоли ўртасида тарғибот қилинишига қарамай, ўтказилаётган текширувларда айрим тадбиркорлар томонидан қонунбузарликларга йўл қўйлаётгани аниқланмоқда.

**Жорий йилнинг ўтган даври бойинида бу йўналиш бўйича Сурхондарё вилоят давлат солиқ бошқармаси ходимлари 295 мартаба қисқа муддатли текширишлар ўтказди. Буни қарангки, текширувларнинг барчасида қонунбузарлик ҳолатлари аниқланди. Яъни, назорат-касса машинасидан фойдаланмаслик, кирим қилинмаган товарлар ва**

**нақд пул тушумини банк кассасига топширмаслик каби қонунга зид ишлар қузатилди.**

Масалан, Термиз шаҳридаги «Сардор Жасур Фарух» хусусий корхонасига қарашли автохотиёв қисмлар савдо дўконда харидорга 5500 сўм назорат касса машинасининг чеки берилмаган. Текшириш давомида дўконда кирим ҳужжатлари бўлмаган 3064200 сўмлик товарлар сотувга қўйилганлиги аниқланиб, ноконуний товар моддий бой-ликлар далилий ашё сифатида олиб қўйилди. «Термиз Сугдиёна Инвест» МЧЖга қарашли «Строй Маркет» савдо дўконда ўтказилган қисқа муддатли текшириш чоғида дўкон сотувчиси харидорга харид қилинган товар учун 202600 сўмга назорат-касса машинаси чеки бермагани маълум бўлди. Сарийосиё туманидаги «Асл-Нигина» хусусий фирмасига қарашли сав-

**Ўтказилган текширувлар давомида қонунбузарларга нисбатан жами 302,3 млн. сўм молиявий ва 117,8 млн. сўм маъмурий жарималар қўлланилди. 17 ҳолатда эса жиноий иш қўзғатилди.**

Савдо қоидаларини қўпол равишда бузишга уринадиган айрим тадбиркорлар бундай қинғирликнинг охири вой бўлишини унутмасликлари керак. Энг муҳими, улар савдо қоидаларини бузмаслиги учун аввало истеъмолчилар ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши билишлари, қонунбузарлик ҳолатлари юз берганда эса жойлардаги солиқ идораларининг ишонч телефонларига хабар беришлари лозим.

**Илёс РАҲМАТОВ, Сурхондарё вилоят ДСБ ахборот хизмати раҳбари, Нурулло САТТОРОВ, шўба бошлиғи.**


Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нарийлари шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази «Ўзбекистон овози» газетасининг 2010 йил 13 июль, 81-сонда берилган эълондаги объект номи ва манзили ҳақида қурилиш муддати «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Самарқанд вилояти бош бошқармасининг ички биносини қисман реконструкция қилиш орқали капитал таъмирлаш. Қурилиш муддати — 5 ой, деб ўқилишини маълум қилади.

Тошкент тумани қишлоқ хўжалик касб-хунара коллежи томонидан 2008 йил 17 июнда Муродов Элвод Алижонич номига берилган К№ 725108 рақамли рўйхат рақами 224 бўлган диплом йўқолишини сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят, Касби туман кенгашлири партия фаоли Касби туман «Маҳалла» жамғармаси раиси Рустам Тўраевга отаси **Бозор бобонинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

# Ўзбекистон — Миср: МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ АЛОҚАЛАР

**Биз ва жаҳон** ■ Президентимиз Ислам Каримовнинг 2007 йил апрелида Қоҳирага расмий ташрифи Ўзбекистон ва Миср ўртасидаги халқаро алоқаларнинг ҳар томонлама ривожланишида алоҳида аҳамият касб этди. Мазкур ташриф доирасида Қоҳиранинг Равада оролида ўрта асрларда жаҳонга машҳур бўлган академия — «Байт ал-ҳикма» («Донишмандлик уйи»)да илмий фаолият олиб борган буюк аждодимиз, «Миқёс ан-Нил» («Нилометр») муаллифи ва унинг қурилиши иштирокчиси Аҳмад Фарғоний хайкали очилгани давлатлараро муносабатларимизнинг тадрижий юксалганига тимсол бўлди.



Миср Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олиб, Тошкентда ўз элчионасини очган давлатлардан биринчидир. Ўтган йилларда Ўзбекистон Республикаси ва Миср Араб Республикаси ўртасида сиёсий, маданий, илмий, маърифий ва бошқа соҳаларда имзоланган қатор ҳужжатлар, жумладан «Ўзбекистон Республикаси билан Миср Араб Жумҳурияти ўртасида ҳамкорлик ва муносабатлар асослари тўғрисида битим» ва «Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Миср Араб Республикаси ҳукумати ўртасида маданият соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битим» икки халқ ўртасидаги ҳамкорликка хизмат қилиб келмоқда.

2009 йилда Қоҳирада Ўзбекистон билан Миср ўртасидаги савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича қўшма комиссиянинг 6-йигилиши бўлиб ўтди. Унда мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий муносабатларнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболли масалалари муҳокама этилди. Икки давлат ўртасидаги товар алмашинуви ҳажмини ошириш ва инвестицион ҳамкорликни кенгайтиришга келишиб олинди.

Қўшма комиссия ишининг якунида икки пойтахт — Тошкент ва Қоҳира ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик битими, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги «Узархив» агентлиги ҳамда Миср Араб Республикаси кутубхоналари ва архивлар Бош бошқармаси ўртасидаги англашув меморандуми, Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университетини ва Сувайш канали университетини ўртасидаги англашув меморандуми каби қатор ҳужжатлар имзоланди.

Маданий-маърифий, илмий соҳалардаги алоқаларни янада ривожлантириш мақсадида Ўзбекистоннинг иқтисодий, илмий ва бошқа соҳаларда олиб бораётган сиёсатини Мисрда кенг тарғиб қилишга катта эътибор қаратилмоқда. Маданий тадбирлар сирасида Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми ҳомийлигида Қоҳирадаги Аҳмад Шавкий музейида «Ўзбекистон анъанавий ва замонавий санъати» номили кўргазма ўтказилганини айтиб ўтиш ўринлидир. Кўргазма давомида бўлиб ўтган мулоқотларда ўз фикрини билдирган ақсарият мисрликлар бу тадбир сўнгги йилларда Қоҳирада ўтказилган ёрқин маданий тадбирлардан бири бўлганини таъкидлашди.

Ўзбекистонни мисрликлар ва бу давлатда фаолият олиб бораётган хорижий ваколатхоналар ва чичконасини очган давлатлардан биринчидир. Ўтган йилларда Ўзбекистон Республикаси ва Миср Араб Республикаси ўртасида сиёсий, маданий, илмий, маърифий ва бошқа соҳаларда имзоланган қатор ҳужжатлар, жумладан «Ўзбекистон Республикаси билан Миср Араб Жумҳурияти ўртасида ҳамкорлик ва муносабатлар асослари тўғрисида битим» ва «Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Миср Араб Республикаси ҳукумати ўртасида маданият соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битим» икки халқ ўртасидаги ҳамкорликка хизмат қилиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти ҳамда Миср Араб Республикасидаги «Дор ал-кутуб ва ал-васоик» миллий кутубхонаси ўртасида илмий-маданий ҳамкорлик ўрнатиш юзасидан тегишли ҳужжат имзоланган илмий алоқаларни янада фаоллаштиришга хизмат қилмоқда. Илмий алоқаларнинг дечбаси сифатида Миср томонидан Ўзбекистонга Қоҳира шаҳридаги йирик кутубхоналарда сақланаётган, диёримизда тугилиб ўсган ва бутун ислом оламида катта шухратга эга бўлган, ўз замонасининг пешқадами алломаларидан бири, Ҳақим Термизий номи билан хурмат қозонган Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Али ибн Ҳасан ат-Термизий, машҳур аллома, ҳадис илми ривожланишига улкан ҳисса қўшган буюк намоёнда Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ибн Савра ибн Муса ибн Заҳроқ Суллаймон ад-Дарри ал-Бугий ат-Термизий ҳамда яна бир термизлик олим Умар Термизий қаламига мансуб ўндан ортиқ қўлёзмаларнинг электрон нусхалари ҳада этилди.

Маданий-маърифий соҳалардаги ҳамкорликка икки давлат олий ўқув юртлиги ўртасидаги муносабатлар ҳам алоҳида ҳисса қўшмоқда. Хусусан, Қоҳирада Аҳмад Фарғоний хайкалининг ўрнатилишида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистоннинг Мисрдаги элчионаси, Ўзбекистон Бадий академияси ҳамда Миср Араб Республикаси Маданият вазири, Хелван университетининг самарали сай-ҳаракатларини таъкидлаш истардик.

Миср санъаткорлари мунтазам равишда Самарқанд шаҳрида ўтказилаётган «Шарқ тароналари» халқаро мусика фестивалида иштирок этиб келмоқдалар. Хусусан, «Шарара», Миср опера театри қошидаги миллий мусика гуруҳи

фестивалларда эҳромлар юрти санъатини намойиш қилишди. Ўз навбатида ўзбек халқининг қўшма маданияти ва давлатчилигини араб оламида тарғиб этишда Мисрда араб тилида «Ўзбекистон: давлат ва унинг йўлбошчиси», «Ўзбек халқ эртаклари», «Ўзбекистон ҳикоялари: «Фарҳод ва Ширин» каби китоблар чоп этилди ва ушбу нашрлар бошқа араб давлатларига ҳам тарқатилди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликка Мисрнинг Тошкентдаги элчионаси таркибида фаолият олиб бораётган маданият маркази ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда. Мазкур марказ Тошкентда Миср маданияти кунларини мунтазам равишда уюштириш баробарида Миср Араб Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳузурдаги МДХ давлатлари билан техник ҳамкорлик бўйича жамғармаси ёрдамида араб тилини ўрганаётган балаларни Мисрда ўз билим ва ишқларини ошириши учун қисқа муддатли ўқишга юбормоқда.

Қоҳирада жойлашган Араб Давлатлари Уюшмаси (АДУ) Ўзбекистон ва Миср маданий-маърифий алоқаларининг ривожланишига ва бутун араб оламига республика-ми раҳбарияти олиб бораётган одилона сиёсатни кенг тарғиб қилишда муҳим роль ўйнамоқда. Бу АДУ котибияти ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ўртасида имзоланган англашув меморандумининг ёрқин самараси дейиш мумкин. Ўзбекистоннинг жонинг ҳамжамияти олдидаги обрў-эътибори янада ошаётганлиги — Ислам Конференцияси Ташкилотининг илм, фан ва маданият бўйича қўмитаси (ИСЕСКО)нинг 2007 йилда Тошкентни Ислам маданияти пойтахти деб эълон қилганлигига бағишлаб халқаро миқёсда ўтказилган конференцияда хориждаги қатор халқаро ташкилотларнинг вакиллари, жумладан АДУ Бош котиби Амр Муса ҳам иштирок этганини эслатиш ўринлидир.

Бу каби нуфузли анжуманлар ва маданий маърифий тадбирлар орқали аждодларимизнинг бой мероси, юртимизда уларни авайлаб-асраш ва бунёдкорлик йўлида олиб бораётган ишларни кенг тарғиб қилишга эришилмоқда.

**Роик БАҲОДИРОВ, ЎзРФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти етакчи илмий ходими, фалсафа фанлари доктори.**

<b>BOSH MUHARRIR:</b>
<b>Safar OSTONOV</b>
<b>TAHRIR HAY'ATI:</b>
Abdulla ORIPOV Latif G'ULOMOV Bobir ALIMOV Sharbat ABDULLAYEVA Murodulla ABDULLAYEV Ulug'bek MUSTAFOYEV Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari) G'afvor HOTAMOV (Bosh muharrir o'rinbosari) Musilihiddin MUHIDDINOV Andrey KUSTOV Ochilboy RAMATOV Saidahmad RAHIMOV
<b>MUASSIS:</b>
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI
<b>BO'LIMLAR:</b>
Partiya hayoti 233-10-13 Madaniyat va sport 233-69-45 Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55 Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56 Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80 Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17
<b>VILOYAT MUXBIRLARI:</b>
Andijonda — 25-32-70 Buxoroda — 233-06-02 Gulistonda — 25-46-45 Jizzaxda — 227-48-35 Navoiyda — 223-83-73 Namanganda — 226-43-81 Nukusda — 222-77-21 Samarqandda — 35-02-55 Urganchda — 517-30-58 Farg'onada — 224-18-78 Denovda — 8-37641-23-780
<b>MANZILIMIZ:</b>
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
Navbatdagi Ravshan SHODIYEV
Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi. Sahifalovchi-ta'sturchilar: Sobirjon DUNG'ATOV, Zafar BAKIROV
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonamanzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy.
Gazeta «O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi. Hajmi 2 bosma taboq. Gazeta seshaba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 649 8241 nusxada bosildi Tijorat materiallari ISSN 2010-7633 O'zA yakuni — 20.20 Topshirilgan vaqti — 22.40 2345 Sotuvda erkin narxda

## ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ

манфаатли «Соврин плюс капитал» ютуқли омонатини тақлиф этади.

Омонатта маблағлар бир йил муддатта йиллик 14 фоиз миқдорда даромад тўлаш шarti билан қабул қилинади. Шунингдек, омонатчилар фоиз даромадлари билан бирга, омонат бўйича ўтказилаётган ютуқлар тиражлари натижасига кўра, 2000 дан ортиқ пул ютуқларидан бирининг соҳиби бўлиши мумкин.

**Ютуқлар тиражлари жорий йилнинг май ойидан бошлаб ҳар икки ойда ўтказилади.**

### ҲАМ ДАРОМАД, ҲАМ ИМКОНИЯТ! ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!

Қўшимча маълумотларни 150-12-91 телефони орқали олишингиз мумкин. Хизматлар лицензияланган